

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 804-ҳадис

804 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ جَرَّ تُوبَةً حُيَلَاءً لَمْ يَنْظُرْ اللَّهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّ إِزَارِي يَسْتَرِخِي إِلَّا أَنْ أَتَعَاهَدَهُ، فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّكَ لَسْتَ مِنْ يَفْعَلُهُ حُيَلَاءً» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ، وَرَوَى مُسْلِمٌ . [2085، م 3665] بَعْضَهُ [خ]

804. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким димоғдорлик билан кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди», дедилар. Абу Бакр: «Эй Аллоҳнинг Расули, изоримни тутиб турмасам, бўшаб, осилиб қолаверади», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Сен буни манманлик билан қилмайсан-ку», дедилар».

Муттафақұн алайҳ. Имом Мұслим буларни баъзисини ривоят қилғанлар.

Шарх: Чунки амаллар ниятга қараб бўлади. Ҳукмлар ҳам ният ўзгаришига қараб ўзгаради. Аммо, ким мутакаббирлик ниятида кийимини узайтириб юрса, қаттиқ ваъидлар борлиги уқтирилмокда.

Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам баъзи одамлар манманлик, гердайиш, мутакаббирлик ва бошқаларни камситиш учун турли йўлларни қўллаб келишган ва келмоқдалар. Ана ўша номаъқул йўллардан бири кийим-бош ила манманлик қилишади. Ислом манманлик ва мутакаббирликнинг барча турларини ҳаром қилгани ҳаммага маълум. Ана ўшалар қаторида Аллоҳнинг охирги ва мукаммал дини Ислом кийим-кечак ила манманлик қилиш, гердайишни ҳам ҳаром қилгандир. Ҳаром қилганда ҳам, қаттиқ оҳангда ҳаром қилганлигини ушбу ҳадиси шарифдан билмоқдамиз.

«Ким димоғдорлик билан кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмайди»

Ўша пайтда Арабистон шароитида кийим билан мутакаббирлик қилиш кийимни керагидан узун қилиб олиб, бошқаларни писанд қилмай, узун кийимни ерга судраб юриш билан ифода қилинار эди. Бу ҳадиси шариф ким ўша ишни қилса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унга қарамаслиги, ундоқ нобакор банда ўз Роббисининг назаридан қолиши ҳақида сўз юритмоқда. Қиёмат куни бундоқ ҳолга дучор бўлиши банда учун чексиз мусибатдир. Шунинг учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ушбу гапни эшитиш билан ҳассос инсон Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу дарҳол ларзага тушдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, изоримни тутиб турмасам, бўшаб, осилиб қолаверади», деди Абу Бакр».

Изор тикилмайдиган, инсон киндигидан пастига тутиб оладиган кийим эканини аввал ўрганган эдик. Абу Бакр розияллоҳу анхунинг изорлари қўл билан ушлаб юрилмаса, бир тарафи ерга тушиб қолар экан. Ўша ҳолат ҳам қиёмат куни мазкур баҳтсизликка сабаб бўладими, деган савол беришларидан у кишининг ўзлари ҳақида қайфураётганлари кўриниб турибди. Ҳақиқатдан ҳам шундоқ бўлиши мумкинми? Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга қуидаги жавобни бердилар:

«Сен манманлик ила қиласиганлардан эмассан», дедилар».

Демак, асосий иллат манманликда экан. Айниқса, Абу Бакр розияллоҳу анхуга ўхшаш етук инсонлардан манманлик содир бўлиши эҳтимолдан узок. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гувоҳликлари ўзи етарли.

Мусулмон инсон манманлик, мутакаббирликнинг турли кўринишларидан доимо узоқда бўлиши керак. Жумладан, ушбу бобда ўрганганимиз кийим-бош билан кеккайишга ҳеч йўл қўймаслиги керак. Бунинг эҳтиёт чораси ўлароқ, манманликка олиб борадиган кийимларга яқинлашишдан сақланмоқ маслаҳат берилади.

Манба: hadis.islom.uz



